Сўнгги соатда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● ***Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1996 йил 16 февралда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюта операцияларни амалга ошириши ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.***

***Сотув ҳажми 33,54 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 36,20 сўм даражасида қайд этилди.***

***

● Самарқанддаги Ўзбек-Америка «Суғдибизнес» қўшма корхонаси буюк соҳибқирон Амир Темур тасвири туширилган ранг-баранг тақвимлар, альбомлар, шунингдек, турли совға буюмлар чиқаришга киришди. Бежирим буюмлар буюк саркарданинг 660 йиллик тўйига ташриф буюрадиган меҳмонлар учун муносиб туҳфа бўлади.

***

● ***Зарафшон шаҳридаги «Комила» фирмаси Японияниng «Шиваки» фирмаси билан ҳамкорликда янги дўконлар очди. Уларда япон телевизорлари, видеоаппаратлар, музлатгичлар, кичик нон ёпиш цехлари, маданий-маиший жиҳозлар ва бошқа маҳсулотлар сотилмоқда.***

***

● Республика Вазирлар Маҳкамасининг Хева шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ унинг кўҳна қалъа деворларини таъмирлашга киришилди. Шаҳарнинг Ичон қалъаси 2200 метр узунликдаги ҳашаматли девор билан ўраб олинган бўлиб, вақт ўтиши билан путурдан кетган эди. Эндиликда бу деворлар тикланади.

***

● ***Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Александр Ненашев Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида шахмат бўйича ҳар йили ўтказиладиган халқаро мусобақада ғалабага эришди.***

## ЖАҲОНДА

● Россия Федерациясида президентлик сайловолди кампанияси қизғин тус олмоқда. Мамлакатнинг ҳозирги Президенти Б. Ельцин бўлажак сайловда ўз номзодини қўйиш-қўймаслигини ўзи туғилиб ўсган Екатеринбург шаҳрида айтишга ваъда берганди. 15 февраль куни у юртдошлари даврасида ўз номзодини иккинчи бор қўйишга аҳд қилганлигини билдирди. Борис Ельцин бу қарорини Екатеринбургдаги ёшлар саройида жамоатчилик вакиллари билан учрашувда айтди.

***

● ***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчлик кучларига кирувчи Болтиқбўйидан келган батальон дастлабки машқларини якунлади. Эстония, Латвия ва Литвадан келган 400 солдат ва офицер Рига шаҳри яқинида икки ҳафта давомида ҳамкорликдаги машқларни ўтказишди.***

***

● Россиялик муҳожир Александр Лашманов АҚШнинг «Ситибэнк» банк корпорациясини ўмаришни ташкил этганликда айбланаётган эди. Бош прокурорнинг вакили Марвин Смилоннинг таъкидлашича, у ўз айбига иқрор бўлган.


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1996 йил 17 февраль, шанба № 21 (21.942).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


## БУЗУРГМЕҲРНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

*Бузургмеҳрдан сўрадилар:*
*— Ақлли одамлар нимага интилмайдилар?*
*— Нокасларнинг мақтовига ва пасткашларнинг ёрдамига! — деди у.*
*Яна сўрадилар:*
*— Билимсиз ким?*
*— Шошиб иш қиладиган ва ўз билганидан қолмайдиган, — деди у.*
*Яна сўрадилар:*
*— Донони нима зийнатлайди?*
*— Яхшилик қилиш, — деди у.*
*Яна сўрадилар:*
*— Ботирга нима яхши?*
*— Кечириш! — деди у.*
*Яна сўрадилар:*
*— Ким билан дўстлик қилиш яхши?*
*— Ҳасадсиз киши билан! — деди у.*
*Яна сўрадилар:*
*— Ҳақиқий мард ким?*
*— Бировга нарса бериб, орқасидан шодланган ва ҳеч қачон миннат қилмайдиган киши, — деди у.*
*Яна сўрадилар:*
*— Ақлли ким?*
*— Бировдан ёмонлик кўрса ҳам, унга қарши хусумат қилмайдиган одам! — деди у.*

# ПРЕЗИДЕНТ РОССИЯЛИК ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



**СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.**

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 февраль куни республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан танишиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган россиялик журналистларни қабул қилди.

Маълумки, Россия матбуоти вакиллари бир неча кун мобайнида Ўзбекистон вилоятлари ва шаҳарларида бўлиб, мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар билан яқиндан танишдилар.

Президент Ислом Каримов россиялик журналистларнинг ташрифи, бу ерда ўтказган учрашувлари ҳамда мулоқотлари Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Журналистлар Ўзбекистон ҳаёти билан танишиш имкониятини яратгани учун республика раҳбарига миннатдорлик билдирдилар. Учрашувда россиялик журналистларнинг мамлакатимиз бўйлаб сафари, ҳақиқатан ҳам, қизиқарли ва фойдали бўлгани таъкидланди.

Президент Ислом Каримов уларнинг республикада ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни демократиялаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ҳамда барқарорликка эришиш ва бошқа соҳалар билан боғлиқ кўплаб саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

***(Учрашув ҳақидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади).***

**(ЎзА).**

## ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР ЮБИЛЕЙИГА ҲОЗИРЛИК

16 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмиталарининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вилоят ва шаҳар ҳокимлари, вазирлик, қўмита, уюшма ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмиталар раиси Исмоил Жўрабеков мажлисни бошқарди.

Мажлисда Бухоро ва Хева шаҳарлари юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан республика Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди. Ҳокимлик, вазирлик, идора ва тегишли ташкилотлар раҳбарларининг шу масалалар бўйича ахборотлари тингланди.

Бухоро ва Хева шаҳарларидаги ноёб тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш ва ободонлаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар ва бажарилган ишлар кўриб чиқилди. Хорижий сайёҳларни мамлакатимизга кенг жалб қилиш ва уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, шунингдек, Бухоро ва Хева шаҳарларининг маданиятимиз тарихида тутган ўрни ҳақида илмий ва илмий-оммабоп нашрларни, турли плакат, тақвим ва буклетларни чоп этиш ишларини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди. Келгуси йили Бухоро ва Хева шаҳарларида ўтказиладиган халқаро илмий конференцияларга пухта ҳозирлик кўриш, бу шаҳарларнинг тарихи, маданияти ва санъатини тарғиб этувчи фильмлар яратиш борасидаги ишларнинг бориши муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари, С. Саидқосимов, Б. Ҳамидов, К. Раҳимов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ҒАМХЎРЛИКДАН ХАЛҚ МАМНУН

***Гўзал иш бўлди, хайрли бир тадбир. Кечқурун «Ахборот»ни кўрганларнинг кўпи бир энтикди. Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш ҳақидаги қарор ва унга тегишли чора-тадбирлар барчани бирдай қувонтирди. Хурсандчилигини яширолмаган муштарийларимиз эса булар:***

***Содиқжон ШУКУРОВ, Тошкент шаҳри, адлия ходими:***

— Қўшним учун хурсандман. 1989 йилмикан дейман, машинасини сотиб ўн минг сўмча пулини топширган эди. Гап шу омонатлар ҳақида кетганда бир кайфияти тушардики, қўяверасиз. Орзу-ҳавас билан ўғил уйлантиришни мўлжал қилганди-да. Йўқ, замонлар ўзгариб ўн минги ўн сўмдай қадрсиз бўлиб қолди. Энди, ҳозир ўзимча ўйлаб ўтирибман, тасаввуримда у ўзини қўярга жой тополмаяпти-ёв. Жуда вақтида қабул қилинган қарор бўлди.

***Замира САФАРОВА, Нуробод тумани, Жом қишлоғидан, ўқитувчи:***

— 1991 йил эди. Оиламизнинг жамғармасидан 2000 сўмни отам Суюн Сафаров жамғарма кассасига топширувди. Кейин нима бўлгани аён. Кеча янгиликни эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Ахир пешона тери билан топилган ҳалол мулк эди-да. Бу энди бошқа гап.

***Зуҳриддин НОРҚЎЗИЕВ, Бахмал туманидан, ички ишлар бўлими ходими:***

— 700 сўм эди. Тошкентдаги (унда талаба эдимда) жамғарма банк шахобчасига топширгандим. Қаранг, эсдан ҳам чиқиб кетганди. Президентимиз катта бир йиғинда шу мавзуда гапирганларида омонат дафтарчамни титкилаб қизиқиб кўрсам мендаям бор экан. Жудаям «логично» бўлдида. Аввал ўша нутқда айтиб ўтилди, кейин Фармон, сўнг қарор, мана кеча энди шарҳ. Ҳисоблаб кўрсам, бизникиям 2800 сўм буларкан. Чакки эмас-а.

***Раҳматулла АҲМАДУЛЛАЕВ, Бўз туманидан, фахрий:***

— 1991 йилдаги жамғармам 10 минг 37 сўм 50 тийин экан. Очиғи, бир муддат маблағим арзимас бўлиб қолди, деган ўйга ҳам бордим. Хайриятки, Фармон ва қарорлар амалга ошиши билан бу пул 40148 сўмга тенглашар экан.

Бу Фармон ва қарор мен каби кўпчиликнинг кўнглида мамлакатимизнинг ривожланишига, фаровон кунлар яқинлигига умид уйғотмоқда.

**Ҳусан ЭРМАТОВ ёзиб олди.**

● *Иқтисодиёт олами* ● *Иқтисодиёт олами*

## «АБРОР БОБО» ПОЙАБЗАЛИ

**СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Шўрчидаги кўптармоқли «Аброр бобо» фирмасида бир кеча кундузда уч хилдаги 1200 жуфт эркаклар туфлиси ишлаб чиқарилмоқда.**

**Бу ерда маҳаллий хом ашё қайта ишланиб маҳсулот тайёрланмоқда. 60 дан ортиқ киши меҳнат қилаётган фирмада ойлик маош 1200—1500ни ташкил этяпти. «Ўндан ортиқ ускуналар ўрнатдик, харажатлар қоплангач, болалар ва аёллар пойабзали ҳам ишлаб чиқарамиз, — дейди фирма раҳбари У. Бобоқулов. — Шунингдек, бўз тўқиш ва бичиш-тикиш цехларини ишга тушириб, 35 хил маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз».**

**Низом НОРҚОБИЛ.**

## ЕРГА ЭГАЛИК ҲИССИ

**ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Бўка туманидаги «Қашқадарё жамоа-хўжалиги деҳқонларида ерга эгалик ҳисси бор.**

Деҳқончиликдаги ана шу ўзига хос меҳр ўз самарасини бермоқда. Хўжалик қолоқликдан қутилди. Жамоа бошқаруви деҳқонларнинг ижтимоий ҳимояси, шарт-шароити ва турмуши билан жиддий шуғуллангач, ишлаб чиқариш кўрсаткичларида ўзгаришлар юзага келди. Ўтган йили ғалла ҳосилдорлиги гектарига 14 центнердан 36 центнерга кўтарилди. Бу йил ғалла учун 250, пахта учун 450 гектар ер ажратилган. Бу экинлардан 35—40 ва 30 центнердан ҳосил кўтариш мўлжалланмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар хўжаликка тобора чуқурроқ кириб бораётгани ўз самарасини бермоқда.

**Абдунаби МАННОПОВ.**

## БУХОРОДА ВЕЛОСИПЕД ЧИҚАРИЛАДИ

**БУХОРО (мухбиримиздан). Қадимий шаҳарда меҳмон бўлган Хитойнинг Хубэй вилояти вакиллари тажриба тариқасида велосипед ишлаб чиқаришга келишиб олдилар.**

**Меҳмонлар шаҳарда завод қуриш ва харидоргир транспорт воситасини ишлаб чиқиш учун имкониятлар етарли эканини эътироф этдилар. Ҳамкорлик асосида шу йилнинг биринчи чорагида велосипед қисмлари йиғила бошланади. Кейинчалик бундай қисмлар бўлажак заводнинг ўзида тайёрланадиган бўлади.**

**Даврон БАҲРОНОВ.**

## „ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

### «ТАЪМИНОТ ТАРТИБЛАРИ ИСЛОҲ ҚИЛИНСА»

**(«Ўзбекистон овози», 1995 йил 20 декабрь)**

**«Мақола муаллифи Муҳаммади Хўжамқулов ҳақиқатдан бугунги кунда деҳқон (фермер) хўжаликлари олдидаги муҳим муаммони кўтариб чиққан.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёнилғи-энергетика манбаларини тежаш бўйича комиссиясининг 1995 йил 20 декабрдаги мажлиси қарорига асосан вилоят қишлоқ хўжалик корхоналаридаги мавжуд кичик нефть омборларини бирлаштириш топширилган ва уларни «Ўздавлатнефтмаҳсулот» акционерлик жамиятига ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» бошқармаси ихтиёрига берилиши кўзда тутиляпти.**

**Шу билан биргаликда вилоят туманларидаги деҳқон (фермер) хўжаликларни уруғ, ўғит билан таъминловчи ва «Чорвасервис» корхоналари мавжуд бўлиб, деҳқон (фермер) хўжаликлари улар билан шартнома асосида иш олиб бормоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи ўринбосари Х. ИСКАНОВ.»**

### «ЛОЙҚА СУВ ЛОҚАЙДЛАРИ»

**(«Ўзбекистон овози», 1996 йил 13 январь)**

**«Вилоят ҳокимлиги маълум этадики, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1996 йил 13 январь сонида чоп этилган «Лойқа сув лоқайдлари» мақоласи вилоят ҳокимлиги, Дўстлик тумани ҳокимлиги масъул ходимлари, вилоят «Сувоқава» бошқармаси раҳбарияти иштирокида кенг муҳокама этилди.**

**1995 йил давомида Пахтакор, Дўстлик туманлари оралиғида «Сангзор» катта ичимлик суви узатиш магистраль тармоғидан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлари учун вилоят «Сувоқава» бошқармаси бошлиғининг масъул муовини Ш.Номозов маъмурий жазоланди. Дўстлик тумани «Сувоқава» корхонаси раҳбари А. Исматов ўз лавозимидан озод этилди.**

**Мақолада қайд этилган сув тармоғидаги 5 та авария 1996 йил 2 февраль кунигача бартараф этилди ва ҳозир муттасил сув таъминоти йўлга қўйилди. Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ичимлик суви, табиий газ магистраль тармоқларидаги камчиликларни бартараф этиш масаласини вилоят ҳокимлиги доимий назоратта олади.**

**Вилоят ҳокимининг биринчи муовини М.ҲАСАНОВ».**

*Қўнғироқ*

## ОШИҚМАГАН ҚУЁНГА ЕТИБДИ

***ёхуд Сирдарё вилоятидаги Гулистон туманида газлаштириш ишлари нега пайсалга солинмоқда?***

Бу йилги қаҳратон қиш кўпчиликни, айниқса, олис қишлоқларда яшаётган аҳолини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Одамларимиз бардошли, мурасагўй. Лекин ҳамма нарсанинг, шу жумладан, бардошнинг ҳам чеки бор, албатта.

«Қорнинг оч бўлса ҳам уйинг иссиқ бўлсин экан, — деб ёзишади Гулистон туманидаги «Боёвут» жамоа хўжалигининг меҳнат аҳли вилоят ҳокимининг муовини И. Подварков номига битишган арзномада, — уйларимизни иситишга кўмиримиз, ўчоққа ёқишга эса ўтинимиз йўқ. Илгари кўмир арзон эди. Кўмир ва ғўзапоя билан бир амаллаб қишни чиқариб олардик. Энди шароит бутунлай ўзгармоқда. Экинзорларимизнинг деярли ярмига буғдой экилди. Бир амаллаб 30-40 боғдан ғамлаган ғўзапоямиз эса қишнинг ярмига ҳам етмай қолди. «Деҳқонобод — Боёвут» газ тармоғи қурилиши бошланганида биз ғоят хурсанд бўлган эдик. Лекин хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Тармоқ қўшни «Қизил тонг» жамоасига келганидан сўнг қурилиш ишлари тўхтаб қолди. Бизга қачон газ етиб келиши номаълум...»

Ажаб, амалга оширилган беш йиллик дастурда вилоятдаги барча туманларнинг манфаатларига бирдай кўз билан қаралмаганига ҳайрон бўласиз. Айтайлик, Гулистон тумани вилоятнинг эски ҳудудларидан бири. Уни йирик газ магистралларидан йироқда ҳам дея олмайсиз. У шундоққина вилоят марказининг биқинида жойлашган. Шунга қарамасдан мазкур туманда ўтган йилги бор-йўғи 11 километру 200 метр масофага газ тармоғи ётқизилди, холос. Ана шу кўрсаткичдан кейингина туман ҳудудини газлаштириш бўйича умумий кўрсаткич бор-йўғи 44 фоизга етказилди. Бунинг устига бошланган ишларнинг ҳали кўп қисми ўлда-жўлда. Шундай қилиб, Гулистон тумани вилоятнинг марказий туманларидан бўлишига қарамай, газлаштириш бўйича энг охирги ўринда турибди.

Юқоридаги жамоа аҳлининг арзномасида айтиб ўтилганидек, ҳақиқатан ҳам 1990 йилда Гулистон тумани маркази билан ҳозирги «Боёвут» жамоа хўжалиги оралиғидаги масофага газ қувурлари ётқизиш бошланган эди. Лекин ўтган беш йилда бор-йўғи 5 километрдагина иш бажарилди, холос. Бу тармоқ ҳам қўшни «Қизил тонг» жамоа хўжалиги ҳудудига келганидан сўнг ишлар тўхтаб қолди.

«Боёвут» (собиқ Фрунзе номли) жамоа хўжалиги вилоятдаги илғор хўжаликлардан. Кексаларнинг таъкидлашларича, унинг ташкил топганига 70 йилдан ошмоқда. Кўп йиллардан бери унинг номи ҳам илғорлар сафидан тушмай келади. Жумладан, ўтган йили пахта сотиш режаси 109 фоизга бажарилди. Ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 40 центнерга етиб, вилоятдаги намунали хўжаликлардан бири бўлди.

Хўш, одамлар кўп йиллардан бери сидқидилдан меҳнат қилиб келишаётган экан, нега энди уларнинг талаб-хоҳишлари, орзу-истаклари баъзи туман ҳамда вилоят ташкилотлари томонидан инобатга олинмаслиги керак? 70 йиллик тарихга эга бўлган донгдор хўжалик шу пайтга қадар газлаштирилмай келинаётир. Сўзсиз бу ҳол хўжалик раҳбарларига ҳам, туман ҳокимиятидагиларга ҳам обрў келтириши амри маҳол!

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, шунча йиллар сабр қилган, раҳбарларнинг ана бўлади-мана бўлади, деган ваъдаларига ишониб келишган одамларнинг энди тоқатлари тоқ бўлди шекилли, ҳозир улар турли идораларга мурожаат қилмоқдалар.

Жамоа меҳнат аҳлининг мазкур арзномалари юзасидан биз энг аввало жамоа хўжалиги раиси Эркин Ҳакимов, Гулистон тумани ҳокими ўринбосари Валентин Ни, «Сирдарёвилоятгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Абдулла Абдугалямовлар билан учрашиб, суҳбатда бўлдик. Улар ана шу хўжаликларни газлаштирилиши тарафдори. Лекин улар айбни ўзларидан эмас, балки ўзга ташкилотлардан излашади. Хўжалик раҳбарлари «Бош трассани юқори ташкилотлар қуриб беришлари керак», дейишади. Туман ҳамда вилоятдаги раҳбарлар эса «Керак бўлганидан сўнг хўжаликдагилар югурсин-да», қабилида жавоб айтмоқдалар.

Ошиқмаган қуёнга етибди, дейдилар. Бу кетишда тумандаги «Боёвут» жамоа хўжалигини газлаштириш масаласи қачон ҳал бўларкин?

Дарвоқе, Гулистонга ён қўшни Боёвут туманида газлаштириш 63 фоизни, Сайҳунобод туманида 60 фоизни ташкил этмоқда. Мирзаобод тумани эса Гулистоннинг чекка ҳудудларида ташкил топган эди. Бу ердаги хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан Гулистон туманидан ҳам ночор аҳволда. Лекин ҳозирги кунга келиб бу ерда газлаштириш ишлари 82 фоизга етган.

Хўш, бундай вазият қачонгача давом этиши мумкин? Гулистон туманида, қолаверса, вилоятда бу ишга бош-қош бўладиган бирор жонкуяр топилармикан? Бу саволга фақат «Боёвут» жамоа хўжалиги меҳнаткашларигина эмас, балки туман ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг кўпчилиги сабрсизлик билан жавоб кутмоқда.

**Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ocak 1996 Январь, 1996 г. 5

Türk Öğrencisi'nin gözüyle

Nur YILDIZ



Глазами турецкой студентки

1992 Ocak ayında öğrenci olarak Moskova'daydık. Bize Özbekistan'a bir gezi düzenleneceği söylenmişti. Bizim için tarihi bir fırsattı bu. Özümüzü, kendimizi, tarihimizi görme

1992-ом году я прибыла в Москву в качестве студентки. Нам однажды сказали, что организуется поездка в Узбекистан. Эта весть была оценена всеми как

# ТУРКИЯЛИК ТАЛАБА НИГОҲИ БИЛАН

1992 йилда мен Москвага талаба сифатида келдим. Бир куни бизга Ўзбекистонга саёҳат уюштирилаётганлигини айтишди. Ҳаммамиз бу хушхабарни тарихий имконият сифатида баҳоладик. Мен қаттиқ ҳаяжонланардим, негаки, ўзлигимизни англаш, илдизимиз ва тарихимизни билиш имконияти туғилганди. Ана шундай кайфиятда Ўзбекистонга бордим.

Тошкент, Самарқанд ва Бухоронинг бетакрор гўзаллиги мени ҳайратга солди. Гарчи аралаш делегация таркибида келган бўлсам-да, ўзбеклар мени Туркиядан эканлигимни дарҳол пайқашди. Улар буни қандай илғаганлигини ҳалиям билмайман. Ахир мен бир оғиз ҳам туркча гапирмаган эдим. Эҳтимол ташқи кўринишим уларга ниманидир эслатгандир? Балки биотоклар ёрдам берганмикин? Мен бу ҳақда улардан сўраганимда менинг нигоҳим туркларга хос эканлигини айтишди. Қизиқ, нимагадир бу ҳақда илгари менга ҳеч ким гапирмаган ва агар шундай бўлса миллатимнинг «нигоҳи» қанақа экан?

Туйғуларим чайқалиб кетди. Бир томондан биз китобларда ўқиган ва ойнаи жаҳонда кўрган қадимий мадрасалар ҳамда устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар, бошқа томондан эса гиднинг мароқли ҳикояси — булар ҳаммаси мени мафтун этар эди.

Мен этаклари кенг миллий либосни кийиб, турк усулларида кумуш тангалар тақилган рўмолни ўраб ўзбек қизи сифатида ўтмишга саёҳат қилардим. Самарқанд ҳосилдор замини ва чарос кўзли одамлари билан, иссиқ иқлими билан мени ўзига ром этарди.

Бу Туркияда тез-тез уюштириб туриладиган шунчаки саёҳат эмасди ва мен саҳна ортидаги манзарани кўраётган томошабин ҳам эмасдим. Мен — ўтмишда Ўрта Осиёдан Анатолийга келиб қолган халқнинг қизи эдим. Мен Ўрта Осиё марказида туриб ўзимни ўзбек қизи ўрнида ҳис қилдим.

Мен Озарбойжонда озар, Қозоғистонда - қозоқ, Турманистонда — туркман, Қирғизистонда — қирғиз эдим. Чунки мен туркий бўлганим билан ҳамиша фахрланаман.

Очиқ эшиклар биз учун очиқ қалблардир, улар узоқ йиллар бир-бирига талпинди, бир-бирини соғинди. Негаки, бугунги кунга етиб келишимизни ҳис қилишарди. Уларда ҳар қандай жуғрофий ва иқлимий чегараларни тан олмайдиган, ҳеч қаерда мисли йўқ маънавият яширинган эди. Бу маънавият ўзининг мангу нурлари билан жаҳонни ёритди ва ёритажак.

Орзиқиб кутилган озодлик бутун туркий оламни бахтга чулғади. Мен дунёда ана шу бахтдан қувонмаган бирорта туркийзабон инсон борлигига ҳеч ҳам ишонгим келмайди.

**Нур ЮЛДУЗ,**
**«Медуа» газетасидан.**

*Мустақиллик асослари*

# АДОЛАТЛИ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

Демократия муаммосига бағишланган нашрлар тарихи қарийб икки ярим минг йилни ўз ичига олади. У милоддан илгари V асрда яшаган буюк юнон мутафаккири ва давлат арбоби Периклдан бошлаб ўз даврининг тенги йўқ алломаси Форобий бобомиз назаридан баҳра олгани туфайли бугунги кун умумбашарий маданият, илму фан сарчашмалари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаб турибди. Қизиғи шундаки, XX аср охирига келиб жаҳон майдонида юз бераётган муҳим ўзгаришлар демократия муаммосига янада жиддийроқ ёндашишни тақозо этмоқда. Ушбу умрбоқий масалага бўлган эътибор, ҳақли равишда айтиш мумкинки, ўзига хос навбатдаги уйғониш даврини бошидан кечирмоқда.

Жамиятни демократиялаштириш жараёнида, назаримизда, барча мамлакатлар сингари Ўзбекистон ҳам икки хил муаммога объектив равишда дуч келиши мумкин. Агар уларнинг бири демократик идеалларнинг айримлар томонидан соддагина талқин этилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчиси — жаҳон демократик тажрибаси ва унинг айрим жиҳатларини ҳаддан ташқари мутлоқлаштиришдан келиб чиқади деб ўйлаймиз. Биринчи тоифага мансуб муаммоларни англаш ва уларни бартараф этиш омиллари кўп жиҳатдан фуқароларнинг сиёсий онги даражаси билан боғлиқ. Бу муаммо даврлар ўтиб албатта ҳал бўлажагини ҳисобга олиб, иккинчи тоифа қийинчиликларининг негизлари ва ечим йўлларига эътиборни қаратиш давр талаби нуқтаи назаридан маъқул бўлади.

Албатта, бу ўринда муайян андозанинг қайси давлат, маданиятга мансублиги ҳамда уни тарғиб этиш даражасини ҳам ёддан чиқармаслик лозим бўлади. Гап демократиянинг «ғарбона модели» ҳақида боряпти. Бундан қатъи назар, унинг устивор даражада Ғарб маданиятигагина хослигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Демак, бошқа халқлар ҳам ижтимоий тараққиётнинг худди шундай ўз йўли ва услубини ўз хоҳиши билан танлаш ҳуқуқига эга экан.

Сир эмаски, умумжаҳон қадрияти сифатида демократиянинг барча учун умумий жиҳатлари мавжуд. Халқнинг ҳокимият манбаи ва суверенлиги, фуқаровий тенг ҳуқуқлилик, озчиликнинг кўпчиликка итоат этиши ва ҳокимият асосий органларининг сайланиши шулар жумласидандир. Бироқ бу тамойилларнинг умумбашарий яхлитлигини эътироф этиш билан бирга, уларга ҳар бир халқ ўз хусусий муносабатини билдириш ва улардан ўзига мос фойдаланиш имкониятига эга эканлигини англаш алоҳида мазмун касб этмоқда. Масалан, халқ ҳокимиятнинг бош манбаи ва назоратчиси мезонини олайлик. Табиийки демократиянинг ушбу тамойили Ўзбекистон шароитида ўзига хос хусусий йўналишга эга бўлиши турган гап. Ёки бу соҳадаги Ўзбекистон амалиёти бошқа мамлакатлар тажрибасидан баъзан кескин фарқ қилиши мумкин. Шундай экан, мустақиллик тақдири билан чамбарчас боғлиқ бу масала бўйича ўзгача фикр юритувчиларнинг ҳурматини жойига қўйганимиз ҳолда, уларнинг «дашномларига» ҳам юқоридаги воқеликдан чиқиб жавоб беришимиз лозим.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти, унинг заковатли халқи бу жиддий масала ечимида хатога йўл қўйиш бошқа мамлакатлар ҳаётида қандай фожиаларга сабаб бўлганлигини чуқур англаб етган, шекилли. Бу ўринда биз тарихан яқин ўтмишда мустақилликни айрим ҳолларда жуда кўп қурбонлар эвазига қўлга киритган ўнлаб Осиё ва Африка мамлакатларини назарда тутяпмиз.

Бироқ улар мустақилликка эришган пайт, яъни чамаси 30-35 йиллар бурун шароит нисбатан оғир бўлган. Жаҳон сиёсати икки ҳукмрон мафкура ва сиёсий қутблар ўртасида бораётган ҳаёт ва мамот курашига асосланар эди. Табиийки, озодликка эришган давлатларнинг тараққиёт йўллари ҳам ўша улкан кураш билан белгиланиши шарт эди. Реакцион мустамлакачилик тизими ҳали барҳам топмаган эди. Она юртимиз истиқлоли эса, батамом бошқа, яъни, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «мустамлакачилик сиёсати ижтимоий ҳодиса сифатида халқаро майдонда ҳалокатга маҳкум этилган» даврга тўғри келди. Вужудга келган нисбатан қулай ички ва ташқи омиллардан фойдаланган республикамиз буюк келажак сари қатъий қадамлар ташлади. Халқларимизнинг донолиги, раҳбарларимизнинг сиёсий хушёрлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси ўз йўлини танлашда бошқа мамлакатлар қўйган хатоларни қайтармади.

Янги демократик давлат қуриш жараёнида айрим муаммолар ҳам учраб туриши табиий. Бироқ, эътиборни қаратмоқчи бўлган нарса субъектив мушкулотларимиз сабабларининг айримлари мамлакатимиз ташқарисидаги баъзи гуруҳлар, сиёсий доираларга бориб тақалади. Уларга барҳам бериш республика жамоатчилиги билан бирга уларни ўзларининг сиёсий маданияти даражасига ҳам боғлиқ бўлиб қолди. Зеро, таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда жамиятнинг конкрет шахобчаларида рўй бераётган чуқур демократик ўзгаришлар ўзига нисбатан холисона муносабатни тақозо этмоқда.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, бу соҳадаги тажриба ва амалиётимиз жаҳон сиёсий тараққиётининг ҳозирги замон тамойиллари билан ҳамоҳангдир. Йирик Ғарб давлатлари сиёсий доираларининг Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ўтиш даври концепциясини маъқуллаётганлиги фикримизнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Лекин, барибир бизнинг бу борадаги кўзга кўринарли ютуқларимизга такаббурона муносабат билдириш давом этмоқда. Жумладан, улар истиқлолимизнинг дастлабки босқичлариданоқ Ўзбекистонга аллақандай «коммунистик қўриқхона» ва «Шарққа хос мустабид режим» деган тамғаларни босишган эди. У ҳам етмагандек «ислом экстремизмининг навбатдаги ўчоғи»га айланиш хавфи Ўзбекистонда кучайиб бормоқда деган уйдирмалар орқали жаҳон жамоатчилигининг бизга муносабатини ўзгартиришга ҳаракат қилишди. Ҳолбуки, ҳеч бир халқ демократияга ўтиш вазифасини ривожланган мамлакатлар кўмагисиз ҳал этмаслигини улар яхши тушунишади.

Шу муносабат билан яқинда Россиянинг «Труд» газетасида эълон қилинган (1996 йил 17 январь) кўпчиликка маълум В. Кременюкнинг газета шарҳловчиси билан бўлган суҳбатига эътиборни қаратишни истардик. Қизиғи шундаки, суҳбат МДҲ аъзолари давлат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви арафасида босилиб чиқди. Ҳамдўстлик мамлакатлари интеграцияси қийинчиликлари, имкониятлари ва истиқболи каби долзарб муаммога бағишланган таҳлилда умуман фойдали фикрлар ҳам ўртага ташланган. Бироқ, унда улар орасида ўзининг бироз саёзлиги билан кўзга ташланиб турган ҳолат ўзига эътиборимизни тортди. Жумладан, жаноб В.Кременюк (у расмий доиралар йўналиши акс эттирадими ёки йўқми, ундан қатъи назар) Ҳамдўстлик давлатлари ҳамкорлигининг чуқурлашувига гўё Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатларида (аниқроғи, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда) мавжуд бўлган сиёсий беқарорлик ҳам анчагина халақит бермоқда, деган хулосага келган. Унинг фикрича, ўша хаёлий «сиёсий беқарорлик» туфайли бу мамлакатларда ўрнатилган «жуда қаттиқ тартибот» демократик ва интеграцион жараёнларнинг кенг қулоч ёйишига гўё йўл бермаётган эмиш. Гаплар нима мақсадда ва кимларнинг манфаатларини кўзлаб айтилаётганлиги биз учун қоронғи, албатта. Лекин, узоқ ва яқин мамлакатлар, жаҳондаги у ёки бу жараёнларни таҳлил қилишга азму қарор қилган бу политологнинг Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигига, ҳарқалай, ишонч ҳосил қилдик.

Барча мамлакатларнинг тарихий тажрибаси гувоҳлик берадики, масъулиятли даврни ўтаётган ҳар бир давлат, умуман, юқоридаги муаммоларга у ёки бу даражада дуч келар экан, уларни ечиш йўллари, қолаверса, истиқболимиз ҳақидаги мунозара ва мушоҳадага борар эканмиз яна бир муҳим масалага эътибор қаратишимиз лозим.

Маълумки, давлатимиз бошлиғи Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида ўз ўрни, давом этаётган демократик жараённинг бугуни ва эртасига муносабатларини билдириб, «Ҳар бир давлат — бетакрор ижтимоий ҳодисадир» деган муҳим бир, хулосага келган эдилар. Бу билан республика Президенти мамлакатимиз жамият демократиялашуви масаласида кўпгина Ғарб мамлакатлари, жумладан Россия, ҳатто ён қўшни давлатлардан кескин фарқ қилиши муаммосига алоҳида урғу берган эди.

Ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикри устиворлиги, қонунни ҳурмат қилиб унга итоат қилиш, идора этиш жараёнида ахлоқ ва эътиқод меъёрларига қаттиқ туриб риоя қилиш каби шарқона хусусиятлар бунёд этилаётган янги демократик тартибот билан йўғрилиб жамиятимиз моҳиятини янада бойитмоқда. Ўйлаймизки, масъулиятли ва мураккаб давр синовларига бардош бериб, дадил қадамлар ташлаётган демократик ислоҳотларимиз жаҳон тараққиётига қўшилган ўзига хос ҳисса бўлиб қолади.

**Тимур ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси сиёсатшунослик ва ташқи сиёсий фаолият кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.**

*Муносабат*

*Шўролар замонидан қолган бир латифа бор. Уч оғайни бир ташкилотда, лекин турли сменаларда ишлашар экан. Улар учрашиб қолганда нима билан машғул бўлишлари ҳақида сўз кетибди. «Мен кўчаларда ўра кавлайман» дебди бири. Иккинчиси «Мен ўша чуқурларни кўмиб асфальтлайман» дебди. «Ўша асфальтни мен яна бузаман» деб сўз қотибди учинчиси. Дўстлар ўйланиб қолишибди. Нега бир-биримизга тескари иш қиламиз. Ниҳоят шундай хулоса ясашибди: «Ана шунинг учун ҳам бизда ишсизлик йўқ».*

*Республика Президенти девони Ахборот марказида мамлакат меҳнат вазири Оқил Обидов билан мулоқот қилганимизда юқоридаги латифа эсимга тушди ва суҳбатда ишсизлик ҳақида гап бўлармикан, деган хаёлга бордим. Вазир ўз маърузасида «ишсизлик» сўзини кўп ишлатди. Яширишга не ҳожат: биз мазкур тизимда қилинаётган анча ишлардан яхши хабардор эмас эканмиз. Шу биргина ишсизлик тушунчасини юзаки тушуниб келар эканмиз.*

# МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ: ҲАЁТИЙ ВАЗИФАЛАР

*Маълум бўлишича, меҳнатга яроқли аҳолининг 4-5 фоизи ишсиз бўлиши жаҳоний мезонларда рисоладагидек кўрсаткич саналаркан. Ўзбекистонда ишсизлик мақомига эга аҳоли ҳозирда 31 минг (бу рақам ўзгариб туради) кишини ташкил этади. Айни пайтда бўш иш ўринлари 37 мингта. Илгариги тасаввурларимизга кўра ишсизликни барча кулфатларнинг манбаи деб билардик. Аслида нуфузга эга мамлакат учун ишсизлик... фазилат ҳисобланаркан. Фақат ўшандай шароитдагина рақобатли иш ўринлари вужудга келади, одам иш жойининг қадрига етади. Баъзан қаттиқроқ талаб қилган бошлиққа қўл остидаги ходим: «Олсанг шу ишингни оларсан, зўр келса бошқа жойга ўтиб ишлайвераман» дея иддао қилганини эшитиб қоламиз. Аксинча бўлиши керак. Ҳар бир ишловчи корхонадаги муайян ўринга эришиш учун курашиши, эришгандан кейин ўша жойни сақлаши учун ҳаракат қилмоғи керак. Масалан, Японияда́й давлатда маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилган ходимни бошқа ҳеч қаерда қабул қилишмас экан.*

*Ҳаётимиздаги ҳар бир ҳолатта кенг қамровда баҳо беришимиз керак. Юқорида ишсизлик мақомига эга бўлган фуқаро 31 минг нафар дедик. Бундан ташқари, яширин ишсизлар ҳам борлигини назардан қочирмаслигимиз лозим. Булар етарли иш жабҳаси яратилмаганлиги сабабли мажбурий меҳнат таътилига чиққанлар ва ҳафта давомида тўлиқ иш билан банд бўлмаганлар.*

*Умуман, Меҳнат вазирлиги олдида турган вазифалар серқиррадир. Меҳнат бозорини шакллантириш тармоқда устивор йўналиш ҳисобланади. Масалан, кадрлар тайёрлашда дунёнинг илғор тажрибалари кенг татбиқ қилиняпти. Ҳозирги пайтда Корея Республикасида 1200 нафар ёшларимиз машинасозлик, тўқимачилик, металлургия, маиший техника соҳаларида иш ўрганмоқдалар. Албатта, дунё кўрганга нима етсин?!*

*Шу йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат Кодекси амал қила бошлайди. Ушбу Кодекс меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни ҳал қиладиган ҳужжатдир. Давлатимиз ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлайдиган бу Кодексга монанд меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш авжида. Меҳнат вазирлиги мутахассислари бу борада айниқса ибрат кўрсатишлари керак.*

*Вазир билан мулоқотда кўплаб саволлар берилди, бир қатор масалаларга аниқликлар киритилди. Чунончи, Чорсу яқинидаги меҳнат бозори вазирлик мутахассислари назарига тушганми, деган саволга ўша жойда бўлим очилганлиги, лекин ҳозирча бу ишдан кўнгил тўлмаётганлиги таъкидланди. Меҳнат дафтарчаси ёппасига алмаштириладими, деган саволга бундай миш-мишга ўрин йўқлиги айтилди.*

*Умумий тасаввурдан аниқ ва муайян тушунчалар сари. Ахборот марказида йўлга қўйилган машғулотлар мазмунини лўнда шундай ифодаласа бўлади. Масалалар моҳияти ойдинлашган сайин журналистлар қалами ҳам равонлашиши тайин. Бу умумий ютуғимиздир.*

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**



*СУРАТДА: пайариқлик ноёб касб эгаси — жувозчи Шароф Қодиров.*

Владимир МОЛГАЧЁВ олган сурат.

# ШОЛҒОМ ПУЛИ НИМА БЎЛАДИ?

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» таҳририяти почтасидан

**Ҳурматли таҳририят! Дардимни сизларга айтмасам, бўлмайдиган кўринади. Самарқанд вилоятининг Гўзалкент туманидан ёзяпман. Шу десангиз, 1994 йили «Заготконтора»га саримсоқпиёз топшираман, деб шартнома қоғоз ёздириб келувдим. 472 кг. саримсоқпиёз топширдим, 2 сўмдан. Укам эса 2200 кг, шолғом топширди, 70 тийиндан. «Накладное» ёзиб беришган. Пулини ундираман деб Тошкентга, телевидениега, «Инсон ва қонун» кўрсатувига ёзувдим. Текшириш учун туман ҳокимига мактубимни йўллашибди. Натижаси йўқ. Энди билсам, «Заготконтора» тугатилиб, бошлиғи ҳам бўшаган экан. Буёғи нима бўлади, ҳайронман.**

Аҳрор МИРЗАЕВ,
Самарқанд вилояти.

*Тақдир сўқмоқлари*

# ЁЛҒИЗ ОТА

Ёши улуғ икки устозим газетада чоп этилган мақоладан қаттиқ таъсирланиб, мулоҳаза қилиб ўтиришарди. Сўнг улар қўлимга ўша газетани тутқазишди. «Бу — жамиятнинг фожиаси»— ортимдан уларнинг мавзуга шу тариқа якун ясагани қулоғимга чалинди.

Кечқурун алламаҳалда газетани хотирладим. «Известия», 6 октябрь 1990 йил... Хотиржамгина у ёқ бу ёқ бетларини ағдариб кўрдим. Ногоҳон кўзим тўлиқ-тўлиқ абзацларнинг тагига қизил қалам билан чизилган мақолага тушди.

Эд. Поляновскийнинг «Сўнгги ...» мақоласи. Икки аёл бахтиёр кулиб турган сурати билан. Уларнинг кексароғи собиқ СССР халқ артисти Анастасия Павловна Георгиевская, ёшроқ дилбар жувон эса собиқ СССР халқ артисти Татьяна Васильевна Доронина... Миллионлаб санъат ихлосмандлари олқишига сазовор бўлган МХАТнинг истеъдодли актёрлари... Биз улар ҳақида, уларнинг беназир санъатлари ҳақида кўп ўқиганмиз, биламиз. Анастасия Павловна яратган ўлмас, ёрқин сиймолар ҳамон ёдимизда. Лекин унинг шахсий ҳаёти ҳақида ҳаммамиз ҳам етарлича тасаввурга эга эмасмиз. У ёлғиз аёл эди.. Гулдурос қарсаклар, томошабинлар олқишидан зириллаган саҳнада спекталь тугагач, уйида уни фақат содиқ итию, тўтиқушлари кутиб олишини кўпчилик билмасди. Бунинг нима дахли бор деб ўйларсиз, йўқ, шошманг. Ҳамма фожиа ана шу ёлғизликда! Уни ҳамма «буюк санъаткорлиги» учунгина қадрлашарди, чамамда. Бу сиймони аёл сифатида аллақачон «унутиб» қўйишганди. Актрисани эса адойи тамом қилган нарса — шу «ташлаб» қўйиш бўлмаганмикан?

Кунлардан бир кун «Таня, сен мен ҳақимда қандай фикрдасан? деб сўраганди Анастасия Павловна сафдоши Доронинадан. Театрнинг бош директори Доронина билан, умуман ҳамкасблари, жамият билан бу аёлни нима боғларди? Фақат «буюк истеъдод соҳибаси», «бетакрор санъаткор»лигими! Бу боғлиқлик қандай хотима топди?

Бир ҳафта Анастасия Павловна театрга келмади. Спектаклда дублёрлари бўлмаганлиги учунгина уни йўқлаб уйига боришди. Актрисанинг эшигини бузиб ичкарига киришди. «Қутирган ит уйдан отилиб чиқди. Қушлар ўлиб қолган, газ плита ёқиқ. Кровать билан тумбочка орасида эса Анастасия Павловнанинг жасади чўзилиб ётарди. Унинг афт-ангорини мутлақо таниб бўлмасди. Ангорнинг ўзи йўқ эди... Ит уни ғажиб...»

Сатрларнинг у ёғини ўқишга асабларингиз етмайди!

Бу даҳшатли фожиани 5-6 йилдан сўнг эслашнинг на ҳожати бор деб, ўйларсиз? Балки ҳақдирсиз. Лекин бу даҳшатли воқеа, фақат ёлғиз бир аёлнинг қисматими? Йўқ, бу жамиятнинг фожиаси! Буни 5-6 йилда унутиб бўладими? Бу — одамларнинг оқибатсизлиги туфайли рўй берган қисмати азал. Ёлғизликнинг даҳшатли сўнгги ҳукми бу.

Бефарзанд инсонлар, оилалар, аёллар қалбидаги ярани қайта тирнамоқчимасман. Уларнинг ўксик юрагига яна бир ўринсиз тошни отмоқчи ҳам эмасман. Теварак-атрофимиздаги ана шундай кишилардан меҳрингизни аяманг, демоқчиман холос. Сиз бу меҳрни очиқ-ойдин сўз билан айтманг, уларга бу ачинишдек оғир ботиши мумкин. Шундай қилингки, фарзанд ўз ота-онасига ё ота-она ўз фарзандига қандай фарзларни адо этиши шарт бўлса, улар сиздан айнан шуни топсин.

Улуғ айём рамазон кунлари яқинлар йиғилдик. Уй эгаси кетиш олдидан фотиҳага қўл очиб: «Шу улуғ айём кунлари жамики қилган тилакларингизни Оллоҳ мустажо этади. Ҳамманинг мушкулини бепарвардигорнинг ўзи ўнгласин» — деди. Ёнгинамда ўтирган аёл чуқур хўрсинди. Ўгирилдим. Кўзларида жиққа ёш. Дарди менга аён. «Фарзанд асраб олақолмайсизларми? «Эрим унамайди-да!» Асранди бола-боламి деб... Лекин мен қатъий қарорга келдим. Она бўлишни истайман!» «Ойланг... Эринг-чи? «Пешонамга ёзилгани шу экан-да.

Ахир менга ўхшаган ёлғиз оналар кўпку? Боласиз оила...»

Унинг гапларидан сўнг ўйланиб қолдим.

Турмуш нақадар чигал. Бирор китобда, қонунда ёзилмаган сир-синоатлари шунчалар кўпки. Биламан, бу оила жуда тотув яшайди, ўзларига тўқ. Эшитувдим, эри болалар уйига ёрдам — хайрия пули ўтказганди. Очиғи, унинг саховатига тан берувдим. Шундай мурувватли инсон, албатта аёлининг дилидаги изтиробларни ахир бир кун англаб етар. Шулар ҳақида айтиб аёлга таскин бердим, ёшликдаги бир воқеани ёдладим. Йўқ, мен бу воқеани фақат ҳозир ёдга олмаяпман. Қачонки шу мавзуда қаерда гап очилса ўша инсонни эслайман.

Ўрта мактабда 6-синфда ўқиётганимизда йилнинг ўртасида синфимизга қаердандир «янги бола» келди. Исми Муродилла. Яхши ўқирди, озода кийинарди, лекин ўта тортинчоқ, камгап. Чамаси бир ойлар ўтгач ўқитувчимиз иншо ёздирди. «Менинг оилам». Устоз кейинги дарсда иншоларни баҳолаб, қўлига бир дафтарни олди. «Муродилла, иншони жуда яхши ёзибсан. Лекин нега «Менинг оилам — фақат отам...» деб ёздинг деди. Бутун синф болалари «гурр» этиб кулиб юборди. Эртасига «янги бола» мактабга келмади. Дарс тугар чоғи отаси синфимизга кириб келди. Ўқитувчимиз билан ёлғиз қолишди. Тасодифан уларнинг суҳбатини эшитиб қолдим. «Муродилланинг онаси йўқ. У ёлғиз овунчоғим... Тирноққа зор бўлиб хотиним оламдан ўтгандан сўнг мен уни...» «Мен ёлғиз отаман!» Эшик ортида қотиб қолдим. Тирқишдан мўраладим, ўқитувчимиз назаримда сапчиб ўрнидан турди. Лекин ота ўрнидан жилмади. «Биров айтиб кўнглини бузмасин деб бу ёқларга кўчиб келиб қолдик».

Шу-шу ўқитувчимиз «янги бола» ни бирортамиз хафа қилсак қаттиқ койийдиган бўлди. Йиллар ўтди. Негадир Муродиллани биз узоқ йиллар «янги бола» деб юрдик. Шу «янги бола» ҳозир каттакон бир корхонани бошқаради. Серфарзанд. Қачон учрашиб қолсак: «Отанг саломатми? дейман. Дастлаб шу саволни бераман. Беғубор ёшлик ортда қолиб, улғайган сари ўша «ёлғиз ота» ҳақида кўпроқ ўйлайман. Чунки у тасаввуримда нафақат ҳамма ҳам қилавермайдиган ёлғиз фарзанд тарбиялаган ота сифатида, балки энг бахтли инсон тимсоли бўлиб гавдаланаверади...

Ҳаётнинг энг чигал, мураккаб қирраси оила, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат бўлса керак. Баъзан турмуш ташвишларига шўнғиб кетамиз. Ёнгинамиздаги қўшнимизнинг, ёинки ҳамкасбимизнинг тақдири, унинг шахсий ҳаётига қизиқишга, икки оғиз сўз билан «Қандай яшаяпсан!» деб сўрашга вақт тополмаймиз. Ишдаги ютуқларига қарсак чалиб олқишлаймиз, лекин гоҳо «Сени уйда ким кутиб олади?» деб қизиқмаймиз. Камчиликка йўл қўйса қаттиқ танбеҳ эшитганидан хабардормиз, лекин «Шу дашномларни сен билан баҳам кўргувчинг, юрагингнинг тафтини олгувчинг борми?» дейишга юрак бетламайди. Нега? Бу лоқайдликми ёки оқибатсизликми? Йўқ, бу — шахсий ҳаётга аралашиш ноқулайлигидан! Аслида-чи? Чинданам аралашиш ноўринми?

Ҳа, ноўрин. Лекин сиз шундай кезлари ўша инсоннинг қалбига қўл солиб кўринг. У хайрихоҳ бўлса (аминман, хайрихоҳ бўлади!) мурувватингизни, ширин сўзингизни аяманг! Меҳрингизни ундан дариғ тутманг! Шунда зинҳор «жамият фожиаси» деган тушунча шууримизда бўлмайди-да.

**Саида ЙЎЛДОШЕВА.**

